

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

Тошкент вилояти қурилиш-пудрат ишлар умумий ҳажми

2018 йил январ-апрел учун

2018 йилнинг январ-апрел оyi давомида Тошкент вилоятида бажарилган қурилиш пудрат ишлари ҳажми 665,3 млрд.сўм миқдорида баҳоланди ва мос равишда ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 112,0 фоизни ташкил этди.




Қурилиш пудрат ишлар ҳажми расмий секторда

қўйидагича кўринишга эга бўлди;

I.Йирик корхоналар томонидан;

Тошкент вилоятида январ-апрел оyi давомида йирик қурилиш пудратчи корхоналар томонидан 103,6 млрд.сўмлик қурилиш-пудрат ишлари бажарилиб, ўтган йилга нисбатан 195,2 фоизни жами қурилиш-пудрат ишлар ҳажмидаги улуши 15,6 фоизни ташкил қилди.

Йирик корхоналар томонидан амалга оширилган қурилиш пудрат ишлар ҳажмини умумий ҳажм билан таққосланмаси 2018 йил январ-апрел(млрд.сўм)



II. Кичик корхона ва микрофирмалар бўйича;

Тошкент вилоятида фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларда ўтказилган мониторинг кузатув натижаларига кўра улар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 2018 йил январ-апрел ойларида 244,6 млрд.сўм миқдорида баҳоланди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 94,0 фоизни жами қурилиш-пудрат ишлар ҳажмидаги улуши 36,8 фоизни ташкил этди.

Қурилиш пудрат ишлар ҳажми норасмий секторда қуйидагича кўринишга эга бўлди;

2018 йилнинг январ-апрел ойи давомида жисмоний шахслар томонидан бажарилган қурилиш пудрат ишлари ҳажми 317,1 млрд.сўм миқдорида баҳоланди ва мос равишда ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 112,9 фоизни жами қурилиш-пудрат ишлар ҳажмидаги улуши 47,6 фоизни ташкил этди.

Инвестиция ва қурилиш статистика бўлими